

# **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Термиз туман кенгаши пленуми бўлиб ўтди**



Партиянинг тумандаги фаол аъзолари иштирок этган пленумда партиянинг асосий мақсад ва ғоялари, келгусидаги режалари ҳамда депутатлар томонидан сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларнинг ижро этиш ҳолатлари муҳокама қилинди. Пленумни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Термиз туман кенгаши раиси Тўра Зоиров олиб борди.

Пленумда иштирок этган аъзолари туманда партиянинг кейинги фаолиятини ривожлантириш борасида ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Ёш аъзолар пленумда фаол иштирок этди.

**Термиз туман ҳокимлиги**  
**Ахборот хизмати**